

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ФИЛОЛОГИК ТАД҆ҚИҚОТЛАРДА  
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”  
модули бўйича  
ўқув-услубий мажмуда**

*Тузувчи: Ҳ.Болтабоев*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”  
МОДУЛИ**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2016**

**Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрta махсус таълим вазирлигининг 2016 йил  
25 августдаги 355-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида  
тайёрланди**

**Тузувчи:**

**Х.Болтабоев –филология фанлари доктори, профессор**

**Тақризчи:**

**Н.Рахмонов - филология фанлари доктори, профессор**

**Ўқув -услубий мажмua ТошДҮТАУ Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли  
қарори билан нашрға тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. Ишчи дастур .....	3
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	9
III. Назарий материаллар.....	22
IV. Амалий машғулот материаллари.....	47
V. Мустақил таълим мавзулари .....	49
VI. Глоссарий.....	51
VII. Адабиётлар рўйхати.....	52

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Гуманитар фанлар тизимида тизимли таҳлил тамойилларини ўрганиш асосида мураккаб амалиёт жараёнида қарор қабул қилиш, қарор қабул қилингунга қадар фалсафий тушунча ва филологик категориялар асосида тизимли таҳлилга киришиш мұхим аҳамият касб этади. Ушбу модул тизими, яъни филологик тадқиқотларда тизимли таҳлилга киришиш тилшунослик, адабиётшунослик ва фолкlorшуносликнинг даолзарб масалаларини ўрганиш, мураккаб таҳлилий жараёнда ваниқ илмий хulosаларга келишга ёрдам беради. Ушбу модул доирасида филологик таълимга тизимли таҳлил методологияси ва асосий йўналишларини жалб қилиш орқали тилни бир бутун тизим (система) ҳолида тушуниш, унинг структурасидаги асосий илмий компонентларни фарқлаш ва тавсия этилган матнни лингвопоэтик жиҳатдан таҳил қилишга ёрдам беради. Адабиётшунослик ва фольклоршуносликда муайян бадиий матнни замонавий таҳлил усуллари орқали ўрганишга олиб киради. Жамиятни демократлаштириш жараёнида ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишда бу фан педагогларни мустақил фикрлашга, мураккаб илмий жараёнлар таҳлилида қарор қабул қилишга ўргатади ва барча таҳлил жараёнларига ижодий ёндошишни шакллантиришни назарда тутади.

### Модулнинг мақсад ва вазифалари

Тизимли таҳлилга киришиш сўнгги икки аср (XX-XXI) фаншунослигининг ютуқларидан саналиб, филологик таълимга замонавий таҳлил методологиясини жалб қилиш орқали муайян адабий асар ва адабий жараён муаммоларини, тилшуносликдаги асосий концепция ва тамойилларни ўрганиш ва уларни амалиётта татбиқ этиш имкониятини яратади. Бадиий ва нобадиий матнларни лингвистик ва поэтик жиҳатдан таҳлил қилишда етакчи методларга таянади ва уларнинг таҳлил имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда аналитик тадқиқотлар учун йўл очади. Филологик таълим жараёни матн таҳлили ва мулоқот тизими, адабий-бадиий асарларни таҳлил қилиш методикаси билан ўқитувчи (tinglovchi)ларни қуроллантиришда мұхим омил ҳисобланади.

Модулнинг асосий илмий мақсадидан келиб чиқсан ҳолда унинг куйидаги вазифалари белгиланади:

- филологик тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг ўринини белгилай олиш;

- тадқиқот объектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиш тамойилларини ўрганиш;
- бадиий матн таҳлилига тизимли ёндашувни татбиқ эта олиш;
- филология фанлари доирасида тизимли таҳлил моделини билиш;
- тизимли таҳлилни филологик тадқиқотларга қўллаш асосида илмий-назарий хулоса ва ечимларга келиш.

## **Курс бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар**

Ушбу модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

### **Тингловчи:**

- тизимли таҳлилнинг асосий тушунча ва истилоҳлари;
- тизимли таҳлил тамойиллари ва унинг компонентлари;
- тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари;
- тизимли таҳлилда филологик истилоҳлар идентификацияси;
- аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этишини **билиши керак;**

### **Тингловчи:**

- бадиий матнга тизимга ёндашув натижасида таҳлил методларини фарқлаш;
- тизимли таҳлилда микдорийлик ва сифат даражасини аниқлай олиш;
- тизимли таҳлилда нутқ услублари ва уларнинг ўрнини тўғри тушуниш;
- тизимли таҳлилда услуг ва ўзига хослик масалаларини белгилай олиш;
- тизимли таҳлил жараёнида замонавий методология ва таҳлил усулларини қўллай билиш;
- матн структураси ва структурал таҳлилда эстетик таҳлил тамойилларига таяниш **кўникмаларига** эга бўлиши керак;

### **Тингловчи:**

- филологик таҳлил жараёнининг замонавий структурасини билиш;
- структур тилшунослик ва структурал поэтика асосларининг тизимлилигини тушунтира олиш;
- тизимли таҳлил жараёнида лингвопоэтик, структурал ва семиотик таҳлил тъамойилларига таяниш;
- матнга индивидуал ёндашувда тизимлилик тамойилларини қўллай билиш;
- талаба (tinglovchi)ларда ижодий ва тизимли ёндашувни шакллантириш **малакаларини** эгаллаши зарур.

### **Тингловчи:**

- филологик тадқиқотларга тизимли таҳлил методологиясини қўллай олиш;
- филологик таълим тизимида матн таҳлили жараёнида тизимлилик тамойилларига тўла эришиш;
- тизимли таҳлил методикасини ўзлаштириш ва уни ўз фаолиятига татбиқ эта олиш лаёқатларига ҳам эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил” модули маъруза ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-мулоқот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билин боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил” фани ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий ва маҳсус фанлар бўйича тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Фаннинг олий таълимдаги ўрни**

Ушбу фанни ўзлаштириш орқали тингловчилар филологик таълим жараёнини ташкил этишда тизимли ёндашув асослари ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

## Соатлар тақсимоти

№		Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси					
			Жами	Жумладан				
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғу лот			
1	Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг ўрни, моҳияти ва аҳамияти	2	2	2				
2	Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил методикаси	2	2	2				
3	Тизимли таҳлилнинг терминологик асослари ва йўналишлари	2	2		2			
4	Адабиётшуносликка доир тадқиқотларда тизимли таҳлил тамойиллари.	2	2		2			
5	Тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувга доир адабиётлар обзори	2					2	
		10	8	4	4		2	

### Асосий қисм

#### Назарий машғулот

1-мавзуу. Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг ўрни, моҳияти ва аҳамияти

Режа:

1. Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлил асослари. Тушунча ва тамойиллар тизими.
2. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатлари.

3. Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилиш тизимли услуга асоси сифатида.
4. Тадқиқот объектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиш.

## **2-мавзу. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил методикаси**

1. Филологик тадқиқотларда тизимлилик.
2. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характеристики.
3. Филология илмида тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика→структурал поэтика→семиотика
4. Илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги ечими.

### **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАВЗУЛАРИ:**

1–мавзу. Тизимли таҳлилнинг терминологияси асослари ва йўналишлари.

1. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси
2. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.
3. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш.
4. Бадиий матнга тизимли ёндашув. Таҳлил жараёнларининг кетма-кетлиги ва яхлитлиги.

2–мавзу. Адабиётшуносликка доир тадқиқотларда тизимли таҳлил тамойиллари.

1. Адабиётшунослик тизими ва бадиий матн тузилмаси.
2. Тизимли таҳлилда услуга ва тизимлилик.
3. Тизимли таҳлилда миқдорийлик ва сифат. Уларнинг нисбати ва бирлиги.
4. Матнга индивидуал ёндошувда тизимлилик. Талабаларда ижодий ва тизимли ёндошувни шакллантириш

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

#### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- замонавий техник воситалар орқали маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тавсия этилган бадиий матнинг структурал таҳлилини мустақил ҳолда амалга ошириш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна:** Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил имкониятларини жадвалга туширинг.

S	Тизимли таҳлилнинг кучли томонлари	Максимал аниқлик билан турли ёндашувлар асосида юқори самарадорликка эришиш
W	Тизимли таҳлилнинг кучсиз томонлари	Бўш, таркибланмаган матнларга нисбатан қўллаб бўлмайди
O	Матнлар бўйича тизимли таҳлил	Матн шаклларидан келиб чиқиб ҳар бир компонентни

	(ички) имкониятлари	микротаҳлилдан ўтказиш
Т	Тўсиқлар (ташқи)	Тизимли таҳлил бўйича назарий билимларнинг етишмаслиги

## Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва кўчма машғулотларида кичик гурӯхлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва

### Намуна:

#### Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил

Лингвопоэтик таҳлил		Структурал (таркибий) таҳлил		Семиотик таҳлил	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

### Хуноса:

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Нима-натижা (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудиовизуал ҳаракат;</li><li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li><li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li></ul>

йўлларини ишлаб чиқиш	✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

**Кейс. Филологик таълимда тизимли кўрсаткич ишлаб чиқилади,** мазкур методнинг ижобий ва салбий томонлари қиёсланади ва хулоса чиқарилади.

#### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

#### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзууни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки фоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “Тилшуносликда тизимли таҳлил тил – системадир қоидасига амал қиласи”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий

күнімалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниклаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

**Методни амалга ошириш тартиби:** “Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



1. Тизим тушунчасига таъриф беринг.

A. Тизим бир бутунликни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро қадорликдаги йигиндисидир.

B. Тизим бир бутунликни ташкил этувчи бадиий компонентларнинг арифметик йигиндисидир.

C. Тизим бир бирни билан боғланган тушунчалар ҳамоҳанглигидир.

D. Тизим бир бутунликни ташкил этувчи бирни бирига ўхшамаган ҳолисалар тўпламидири.

\*

E. Тизимли таҳлилга яқин келган, ҳатто синоним тарзида ишлатиладиган тушунчани аникланг.

A. Тизим методологияси.

B. Тизимли ёндашув.

C. Тизимли кетма-кетлик.

D. Тизимлиллик.



2. Тизимли таҳлил деганда нимани тушунасиз?

A. Ўзаро алоқадорликдаги тушунчалар асосида бирор объектни муйян мақсад асосида таҳлил қилиши.

B. Бирор асар ёки предметни кетмакет таҳлил қилиши.

C. Бир йўналишдаги ҳодисаларни бошланишини аниклаб, охирига қадар тизимли суратда таҳлил қилиш.

D. Илмий мақсад йўлида ҳар қандай



4. Социал тизим деганда нимани тушунасиз?

A. Мураккаб тарзда қурилган, яхлит ҳолда тартибланган, ўзаро алоқадорлик ва тараққиёт қонунларига асосланган ва ўз табиатига кўра ижтимоийлик касб этган тизим.

B. Мураккаб тарзда қурилган, ўзининг ички қонуниятлари асосида тараққий этадиган ва иқтисодий асосга эга бўлган тизим.

C. Гуманитар фанлар асосида ривожланадиган тизим.

D. Давлат томонидан бошқариладиган тизим.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулик изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тизим	Тизим бир бутунликни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорликдаги йиғиндисидир.	
Тизимли таҳлил	Ўзаро алоқадорликдаги тушунчалар асосида бирор объектни муайян мақсад асосида таҳлил қилиш.	
Социал тизим	Мураккаб тарзда қурилган, яхлит ҳолда тартибланган, ўзаро алоқадорлик ва тараққиёт қонунларига асосланган ва ўз табиатига қўра ижтимоийлик касб этган тизим.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## **Вени диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан груп аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшистилгач, улар биргаллашиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Тизимли таҳлил жорий қилинадига филология соҳалари**



## **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштиради ва груп аъзоларини ўз фикрлари билан групдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «груп баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик групкалар ўз ишларини туттагач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «түғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Тизимлилик алоқадорлигини аниқлаш. Ўзингизни текшириб  
кўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Тизимнинг моҳияти					
Тизимли таҳлил					
Тизимли ёндашув					
Гуманитар фанлар тизими					
Тилшунослик тизими					
Адабиётшунослик тизими					
Фолдъклоршунослик тизими					

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1-мавзу. Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг ўрни, моҳияти ва аҳамияти**

**Режас:**

1. Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлил асослари. Тушунча ва тамойиллар тизими.
2. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатлари.
3. Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилиш тизимли услугуб асоси сифатида.
4. Тадқиқот обьектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиш.

*Таянч иборалар:* тизим, тизимли таҳлил, тизимли ёндашув, социал тизим, илмий тадқиқот, муқобил қарор, тадқиқот обьекти, яхлит тушуниш.

#### ***1. Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлил асослари. Тушунча ва тамойиллар тизими.***

*Тизим* (система – юононча: бутунлик, қисмларнинг уланиб, бир бутун ҳолида бўлиши) бирор бутунлик (яхлитлик)ни ҳосил қилувчи унсур (компонент)ларнинг ўзаро алоқадорликдаги йиғиндисидир<sup>1</sup>.

Фанларнинг қўп асрлик тарихи давомида синовлардан ўтиб, тушунчаларнинг тарихий тараққиётида ниҳоят XX аср ўрталаридан ТИЗИМ фалсафий-методологик ва маҳсус илмий тушунча бўлиб шаклланган. *Тизим, тизимлилик* тушунчалари доимий суратда қисм ва бутун моҳиятини бирлаштириб турган, худди исломий фалсафадаги кулл ва жузв сингари ўзаро алоқадорлик ва мавжудликни англатади. Кулл – бутунлик, яхлитлик ҳодисаси бўлиб, жузв унинг қисми, бутуннинг бўлаги, бироқ ундан айри ҳолида мавжуд бўлиши ёки яшashi мумкин эмас. Худди шу каби дунёдаги турли йўналишдаги нарса-ҳодисалар ўзаро ички тизимлилик қонуниятига

<sup>1</sup> Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

амал қиласи. Худди диалектик бирлиқдаги мусбат (+) ва манфий (-) жиҳатлар бир бутунликни ташкил этгани каби. Бутуннинг моҳиятини ўрганиш учун, табиийки, унинг қисмларини тасаввур қилишимиз ва улар ўртасидаги алоқадорликни аниқлай олишимиз керак. Осмон жисмларининг тизимлилиги, табиат ҳодисаларини тизимли ҳолда тушуниш, бир фан доирасидаги қарашларни яхлит тизим ҳосил қилувчи тушунчалар сифатида белгилаш мана шу тизимлиликнинг ёрқин намунасиdir.

Бу ўринда бутунни ҳосил қилувчи аъзолар, икки хил: *элемент* (унсур) ва *компонент* (узв) истилоҳлари билан англалилади. Элемент бирор нарса ва ҳодисанинг таркибидаги материал бўлса, компонент ўша материалнинг бошқа ҳодиса ва хоссалар билан алоқага киришуви, яъни алоқадорлигини белгилайди.

Очиқ тизими тушунчаси Л. фон Берталанфи томонидан жорий этилган. Очик тизимларнинг асосий хусусиятлари – муҳит билан масса, энергия, ахборот алмашиш қобилияти. Ҳар қандай педагогик тизим жамиятда мавжуд бўлиб, атроф-муҳит ҳолатига (иқтисодий, сиёсий, экологик, технологик ва бошқа жиҳатлар) доимий боғлиқ бўлганлиги сабабли очик тизим ҳисобланади<sup>2</sup>.

*Тизимли таҳлил* (ТТ) икки маънода қўлланилади: тор ва кенг маъноларда; 1) тор маънода мураккаб сиёсий, ҳарбий, социал, иқтисодий, илмий ва техник характердаги муаммоларни ечиш ва асослашда қўлланиладиган методологик воситалар йиғиндисидир; 2) кенг маънода “ТТ” кўпинча, “тизимли ёндашув”нинг синоними сифатида қўлланилади<sup>3</sup> (Тизимли ёндашувга киришилганда бу муносабатга яна қайтилади).

Илмий адабиётларда тизимли таҳлилни турлича талқин қилишади:

1. Туғилган ёки ечимини кутаётган муаммони ҳал қилиш методларидан бири; Бозор шароитида таннарх → самарадорлик. Бу ўринда тизимлар таҳлили сифатида қаралади.

<sup>2</sup> Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

<sup>3</sup> Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. СПб., Изд. дом «Бизнес-пресса», 2000. С. 72.

2. Тадқиқ этишнинг аниқ усули (методи). Бу тарихий метод бўлиб, бу ўринда антик даврдан бери қўлланилиб келинган анализ ва синтез муносабати назарда тутилади. Демак, таҳлил (анализ) синтезнинг зидди:  $A \leftrightarrow C$ .

3. Тизимли методология асосига қурилган таҳлил. Бир обьект бир неча метод орқали таҳлил қилиниши мумкин: Тилшуносликда бир матн морфологик ( $M$ ), синтактик ( $C$ ), фонетик ёки фонологик ( $\Phi$ ) диҳатдан таҳлил қилинади:  $M + C + \Phi = T$ .

Бадиий матн таҳлилига адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашганда: мазмун + шакл + ритмика + услуб =  $T$ .

4. Тадқиқотнинг назарий-амалий йўналиши: назария ( $H$ )дан амалиёт ( $A$ ) сари ривожланадиган илмий-амалий жараён:  $H \rightarrow A$ .

Ахборотларнинг тизимли шарҳи қандай амалга оширилади, ва бу шарҳлар кимларга, нима учун керак деган бу каби муаммолар [Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide] да кенг ёритилган.

Таъкидланганидек, тизимлари учун муҳим тушунча - мақсад хисобланади. Мақсадга йўналтирилган ва мақсадга интиувчан тизимлар фарқланади. Улар мақсаднинг ташқаридан қўйилганлиги ёки мақсад ички (очик, ўз-ўзини ташкил этувчи тизимларга хос) шакллантирилганлиги билан фарқланади<sup>4</sup>.

ТТ нинг асосий вазифалари:

- тизимни ҳосил қилувчи тизимости узвларининг мавжудлиги ва уларни яхлит тизимли тушуниш лозимлиги;
- тизим хусусиятларини аниқлаш ва унга кўра иш қўриш;
- мавжуд ахборотлар асосида ҳосил қилиниш қонуниятини белгилаш ва унинг узвларининг алоқадорлигига ишониш;

---

<sup>4</sup> Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

ТТ жараёнида дастлаб тадқиқодчи томонидан аниқланиши зарур бўлган жиҳатлардан биринчиси *декомпозиция*: кузатиш ва ўлчаш жараёни.

Ундан кейин эса *тизимни таснифлашга* киришилади:

Белгилар:	Синфлар (таснифлар):
Узвлар табиати	табиий (аниқ) ва мавҳум (абстракт)
Харакат характери	бошқарилади ва бошқарилмайди
Хоссаларнинг ўлчови	статик ва динамик
Мураккаблик даражаси	оддий, мураккаб, улкан
Келиб чиқиши	табиий ва сунъий (ишлиб чиқарилган)
Тасодифлик мавжудлиги	детерминик (ўсишдаги) ва стохастик (тўхтаб қолиш)
Ташқи муҳитга алоқадорлиги	очиқ ва ёпиқ (бевосита ва билвосита)

ТТ нинг ишчанлик характери *робастлик* – барча узвлар тўхтаб қолганда қисман ишchan ҳолатининг сақланиши ёки гуманитар соҳаларда: структур, функционал, информацион, маконий ва замоний жиҳатлан алоқадорлиги кабилар.

*Эмержентлик* – яхлитлик элементларнинг компонентлашуви, яъни унсурларнинг ўзаро алоқадорликка киришуви натижасида бутунлик (ёки жонлилик) ҳосил қилинишидир<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. СПб., Изд. дом «Бизнес-пресса», 2000. С. 72.

Структура (лот. *structūra* — «қурилиш» тизимнинг таркибий қисмлари орасидаги маълум боғланишларни, уларнинг жойлашишини, тизимнинг қурилишини, тузилмасини акс эттиради<sup>6</sup>.

## **2. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатлари.**

Тизимли таҳлил (ТТ)нинг тизимли ёндашув (ТЁ)дан фарқли жиҳатларни нималарда кўринади:

Илмий истилоҳ сифатида уларни фарқлаш зарур:

ТТ – юқорида айтилган жиҳатлари билан эътиборли, яъни у таҳлилий жараён;

ТЁ – аниқ объектга тизимли муносабатни ифодалайди; у метод ёки методология эмас, балки унга ёндошиш тамоилиларини акс эттиради.

ХХ аср ўрталаридан ТЁ илмий тадқиқотларга кириб кела бошлади. Объектга умуммилмий ва специфик муносабати билан ТТ дан фарқ қиласди.

ТЁ ўзининг қатор хусусиятлари билан структурализм ва структурал—функционал таҳлилга яқинлашади. Чунки бу ўринда умуман, таҳлил жараёни эмас, балки объектга аниқ ёндашув тури ва натижага олиб борувчи йўллари евзврдв тутилган.

Бу икки тушунча кўпинча бири иккинчиси ўрнида қўлланилиши ҳам мумкин, бироқ уларнинг бири жараён, иккинчиси муносабат эканини унутмаслик лозим.

ТТ турли фан соҳаларида қуидаги тизимли методларга эга:

- мавхумийлик ва аниқлик;
- анализ ва синтез;
- индукция ва дедукция;
- формал ва аниқ (табиий);
- композиция ва декомпозиция
- чизиқлилик но чизиқлилик (ракамли ёки механик)
- таркибий ва таркибсиз (структурив ва деструктив)

---

<sup>6</sup> Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

- моделлаштириш ва тажрибавий (экспериментал)
  - дастурий бошқарув (алоҳида талаб доирасида) ва доимий
  - аниқлаш ва идентификация
  - кластер ва таснифлаш
  - тажрибавий баҳолаш ва тестлаш
- каби ўнлаб ўнлаб методларни бирлаштиради<sup>7</sup>.

### ***3. Аниқланмаганлик шароитида (номаълум муҳитда) мубоқил қарор қабул қилиши тизимли (метод) услуг асоси сифатида.***

Ҳар қандай муаммони ҳал қилиш учун илмий тизимга киришишнинг бошланғич нүктаси аниқланмаганлик ҳолатидир. Бу жараёнда юқоридаги каби ТГ га кириши усуллари қўлланилиши баробарида ундан ташқпри ёки параллел равища мұқобил қарор қабул қилишга қаратилган усуллардан ҳам фойдаланилади. Масалан, филологик тизимда ТГга тизимли ёндашув асосида формал–структурал метод белгиланди, бироқ яна ҳам аниқроқ ва самарали натижага эришиш учун семиотик таҳлил имкониятларидан фойдаланиб, мұқобил қарор қабул қилишга ёрдам берувчи бошқа метод ёки усулни таҳлил жараёнига жалб этиш уммекин.

Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилиш тизимли таҳлилда *аниқланмаган обьектни аниқлаш ва таҳлилга тортиши орқали у ҳақда илмий хулоса чиқаршига асос бўлади*.

Тизимли таҳлил доим номаълум, аниқланмаганлик шароитида муайян илмий муаммони ечим сари йўналтиради, унинг хусусиятларини ўрганиб, илмий таҳлил қилишга ёрдам беради. Бу жараёнда тизимлиликнинг мұқобил таҳлил элементлари белгиланди, улар асосида ноаниқлиқдан аниқлик сари қадам ташланади.

---

<sup>7</sup> Сафронов В. Лекции по системному анализу. Электронная версия / ru.wikipedia.org

Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилиш илм ва амалиётнинг турли соҳаларида содир қилиниши мумкин:

1. Юриспруденцияда;
2. Ахборотлар тизимида;
3. Педагогик технологияларда;

ҳамда барча аниқ фанларда, муҳандислик ва иқтисодиётда қўлланилади.

ТТдан мақсад аниқ ечим ёки хуносанинг натижавий кўринишидир.

Тўлиқ ва ҳар томонлама турли варианtlарни ўрганиш; биргина ечим билан чекланмаслик; натижага олиб боришга имкон берувчи ҳамма варианtlарни эринмай ишлаб чиқиш орқалигина максимал аниқликка эришилиш мумкин.

*ТТ моҳияти:* объектнинг ҳажми, унинг компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва бошқа объектга муносабати масаласи. Моҳият элементларнинг хоссалари тавсифи ва мавжудлик белгиларида акс этади.

#### **4. Тадқиқот объектини яхлит тушуниши ва тизимли таҳдилни ташкил этиши.**

ТТ – бу тизим структурасига ва муқобил варианtlар мавжудлигига асосланган ҳолда муаммони ҳал этиш методологияси экан, бунда тизимнинг умумий назарияси қонуниятларига асосланади.

Масалан, филологик фанлар тизимида, хусусан, тилшуносликда

Тил – тизим (система)дир (Ф. де Соссюр) деган қараш бор. Шу билан бирга Тил – структура деган қараш ҳам бор.<sup>8</sup> Улар бир–бирини инкор этмайди, аксинча, бирини иккинчиси тўлдиради. Мақсадга эришиш учун тилнинг тизим эканини қабул қилишимиз, унга аниқ метод орқали ёндашганда тилнинг структурал метод орқали ўрганиш қўйилган вазифани енгиллатишга хизмат қилиши мумкин. Мақсад самарадорликка эришишдир. Тизимлиликни образли ифодалаб, самарадорлик назарияси деб ҳам

атайдилар. Самарадорлик ҳамма соҳада керак, айниқса, миқдор ўзгаришларининг ва сифат ўзгаришларига ўтишида; информатика назариясида, структур тилшунослиқда, структурал поэтикада; моделлаштириш методологиясида, борингки, ҳар қандай ишнинг якуни сифатида муҳим.

Тадқиқот обьектини яхлит тушуниш деганда тадқиқот обьекти тизимили суратда бири иккинчисини тақозо қиласиган компонентлардан тузилиши белгиланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда структура ва тизим муносабатлари аниқланади<sup>9</sup>.

Структура ва тизимнинг муносабатида шуни аниқлаб олиш зарурки, структура – маркиб, у маркибланиши тамойилларига амал қилинishiда тизимили таҳлил натидаларига яқинлашади.

Таҳлил жараёнининг тизимили характеристи таҳлилга обьектнинг барча сифат, хосса ва хусусиятларини жсалб қила билишида кўринади.

### ***Топшириқлар:***

1. Мавжуд луғат, энциклопедия ва википедия (интернет тизимида)лар асосида матнда тилга олинган истилоҳ ва атамаларни талқини ўрганинг.
2. Тизимли таҳлилнинг тизимили ёндашувдан фарқли жиҳатларини аниқланг.
3. Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилишнинг қўшимча услубларини қўллашга ёрдам берадиган усулларини топинг ва уни таҳлил жараёнига киритинг.
4. Тадқиқот обьектини яхлит тушунишга ҳаракат қилинг ва тушунганлар асосида ўз соҳангизда тизимили таҳлилни ташкил этиш мумкинлигини таъминланг.

### ***Адабиётлар:***

1. Ahmadjonov T. Xorijiy tillarni o'qitishda tizimli va stilistik tahlillarni qo'llash /// moodle.uzspic.uz

2. The Art of Systems Thinking: Essential Skills for Creativity and Problem Solving // «Альпина Паблишер». [О'Коннор Джозеф, Макдермотт И. Искусство системного мышления: Необходимые знания о системах и творческом подходе к решению проблем] М., 2011. № 978-5-9614-1589-6.
- Воскобойников А.Э. Системные исследования: базовые понятия, принципы и методология // «Знание. Понимание. Умение». 2013. № 6.
3. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. СПб., 2000.
4. Щедровицкий Г.П. Принципы и общая схема методологической организации системно-структурных исследований и разработок. М.: Наука, 1981. С. 193-227.

### *Сайтлар*

1. ru.wikipedia.org
2. books.google.co.uz
3. pedagog.uz
4. Ziyonet.uz
5. edu.uz

## **2-мавзу. ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ МЕТОДИКАСИ**

*Режа:*

1. Филологик тадқиқотларда тизимлилик.
2. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характеристики.
3. Филология илмида тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика → структурал поэтика → семиотика
4. Илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги ечими.

*Таянч тушунчалар:* филологик тадқиқот, тизимлилик, структура, тизим, таҳлил жараёни, таҳлил модели, лингвопоэтика, структурал поэтика, семиотика.

### **1. Филологик тадқиқотларда тизимлилик.**

Филологик тадқиқотлар филологик тизимнинг муайян қисмини ташкил қиласи. Тизимлилик филология фанларининг ўзаро алоқадорлигига кўзга ташланади. Замонавий филологиянинг соҳалари сифатида тилшунослик, фадабиётшунослик, фольклоршунослик, матншунослик, таржимашунослик каби аспектлар белгиланаар экан, уларни алоҳида мустақил фан сифатида қабул қилиш баробарида ўзаро алоқадорлигига суюниш ва бири иккинчисини тақозо қилиниши нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Бундац қараш тарихда илми адаб ва унинг таркибига кирган фанларда акс этган:

*Илми адаб* (Фарб истилоҳига кўра: поэтика) зарурий, энг муҳим илмлар мажмуаси ҳисобланиб, қўйидаги филологик соҳаларни ўз ичига олади: *лугат* (1), *сарф*, яъни морфология (2); *иштиқоқ* – сўз ясалиши (3); *наҳв* – синтаксис (4), *маоний* (5), *баён* илми (6), *аруз* (7), *қофия* (8), *иншио* (9), шеър фарзи – *бадоеъ* (10), *муҳозара* – тарихий воқеа ва ривоятлардан фойдаланиш (11), *расму-л-хат* (12). Мазкур илми адабни эгаллаганлар *адиб* (юононча: филолог) деб юритилган<sup>10</sup>.

Демак, филология фанларига илмий тизим сифатида қараш ўтмиш фаншунослигига бўлган, унга *Ибн Муътазз* исмли араб олими X асрда асос солган. Бироқ мана шу соҳаларнинг бири иккинчисини тақозо этадиган ва бир объектга муносабатда уларни бирваракайига тизимли жиҳатдан қўллаш XX филологиясининг ҳосиласидир.

Филологик тадқиқотлардаги тизимлилик матнга бўлган муносабатда аниқ кўзга ташланади. Чунки бир матнни филологиянинг турли сатҳлари бўйича таҳлил қилгандагина унинг аниқ жиҳатларига эришиш мумкин.

Муаммолар таснифи ТТ да муҳим ўрин тутади. Умумий ҳолда уларни қўйилагича таснифлаш мумкин:

1. Яхши таркибланган (структуринаний) – *well-structured*;
2. Бўш таркибланган (слабо структурированный) – *ill-structured*;
3. Таркибланмаган ёки ўзаро миқдорий алоқада бўлган (неструктурированный) – *unstructured*;

---

<sup>10</sup> Болтабоев X. Адабиёт энциклопедияси. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2015. Б.

Муаммолар ечимиға киришишда шундай этаплардан ўтилади:

- муаммони белгилаш (формулировка қилиш);
- мақсадни аниклаш;
- мақсадга эришиш критерийлари (ўлчовлари)ни белгилаш;
- моделлаштириш: ечимни асослаш учун моделни қуриш;
- ечимнинг оптималь вариантини излаш;
- ечим (қарор бериш)га киришиш;
- қарор (ечим)ни амалиётга татбиқ этишга тайёрлаш;
- ечим (қарор)ни тасдиқлаш;
- ечим реализацияси жараёнини бошқариш;
- ечимнинг самарадорлигини текшириш.

Кўптармоқли ва қўпомилли муаммоларда алгоритмни аниқроқ кўйиш:

- муаммонинг мавжудлиги шартини таслиқлаш: *ВА (ҳа), ЁКИ (аниқ эмас), ЙЎҚ.*
- *Мақсадни бирор ечим сари йўналтириш: ВА (ҳа)лар ЁКИ га айланади ва аксинча: ЁКИ ВАга айланади, лекин ЙЎҚга айланмайди.*
- Бир муаммо таҳлили ва ечимидан иккинчисини чиқариш;
- Ҳар бир топилган ечим йўлларини баҳолаб бориш;

*Тадқиқот объектини яхлит ушуниш деганда тадқиқот объекти тизимли суратда бири иккинчисини тақозо қиласиган компонентлардан тузилиши белгиланади.*

## **2. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характеристери.**

Тизимлар турлича бўлиши билан бирга у структурал характерга эга, яъни унинг компонентлари ўзаро муносабатга киришиб, структрани ташкил қиласиди. Тилшунос олим Э.Бенвенист уни шундай хусусиятларини фарқлаб кўрсатади:

- 1) қисмлар устидан хукм юргизадиган муайян бутунлик (яхлитлик) бирлиги;
- 2) бирликлар алоҳида махсус барқарор тамойиллар асосида шакл жиҳатдан тартибланади;
- 3) бутуннинг барча қисмлари алоҳида вазифани бажариш барбарида структурал характерга эга бўлади;
- 4) бу маълум бир сатҳнинг бирлиги (яъни элемент) ва ўз навбатида бутуннинг бўлаги (компонент)дир<sup>11</sup>.

Тизим ва структура муносабатида: *Структура – таркиб, таркибланиши тамойилларига амал қилинishiда тизимли таҳлил натижаларига яқинлашади.*

*Таҳлил жараёнининг тизимли характери таҳлилга объектнинг барча сифат, хосса ва хусусиятларини жалб қила билишида кўринади.*

Филологик тизимлар формаллаштиришга бўйсунмайдиган жараёнлар бўлганлиги сабабли, уларнинг моделларини яратиб, қандайдир ишончлилик даражасида ўрганиш мумкин, лекин таҳлил жараёнининг реал шартшароитлари хар қандай оптимистик мўлжалларни инкор этиши мумкин<sup>12</sup>.

Ўз обьектига кўра тизимли муносабатдан, яъни адабиёт (матн)га қайси жиҳатдан ёндашилаётганига қараб унинг обьекти ва предмети белгиланади:

1. *Матнга* асосланган назариялар (формал-структурал ёндашув, янги танқид, нарратология) учун бадиий матн назарий фаннинг бирламчи обьекти булгани учун матн моҳияти (назарияси), таркиби (структураси), талқини (герменевтикаси), ифодавийлиги каби илмий муаммолар бу йўналишдаги таҳлилий жараённинг предметини ташкил қиласи.

2. *Муаллифни* ўрганишга қаратилган назариялар (биографик ва психоаналитик ёндашув, шу билан бирга феминистик адабиётишунослик, феноменологик тадқиқотлар учун обьект бадиий ижод ёки муайян ижодкорнинг асалари бўлгани учун ҳам унинг предметини муаллиф услуби,

<sup>12</sup> Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences : a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk. : alk. paper)

услубни рўёбга чиқарувчи ташқи (метод, жанр ва бошқалар) ва ички хусусий ҳоллар (дунёқараш, ёзиш қоидалари, маҳорат) кабилар ушбу йўналишдаги назарий қарашларнинг предметини ташкил қиласди.

3. *Китобхонга* қаратилган назариялар (рецептив эстетика, асарни идрок этиш тарихи; тарихий-функционал тадқиқотлар) учун китобхон асосий объект сифатида юзага чиқади ва бу бўлимнинг предметини - бадиий матн идроки, уни қабул қилиш усуслари, бадиий мулокот (коммуникация) қонуниятлари ташкил қиласди.

4. Адабий ва маданий-тарихий **контекстга** оид назариялар (*реминисценция, интертекстуал*) тадқиқотлар, социологик ва тарихий-материалистик ёндашув, “янги историзм” ва культурологик методология кабилар учун тадқиқот обьекти адабий жараён масалалари бўлгани учун ҳам бу йўналиш учун адабиёт назарияси фан предмети сифатида адабий жараён масалалари, анъанавийлик-издошлик ва ворислик, терминология ва уларнинг идентификацияси каби масалаларни белгилаш мумкин.

Бу назария ва концепцияларда ёндашув турлича бўлишидан қатъи назар, адабиётшунослик фанининг обьектини юқоридаги қарашларни умумлаштирган ҳолда

## **МАТН→ИЖОДКОР→ИДРОК ЭТУВЧИ (АДРЕСАТ) →АДАБИЙ ЖАРАЁН**

сифатида белгилаш мумкин. Бироқ бу муносабатлар тизими адабиёттшуносликнинг ўз обьектига муносабати орқали тадқиқ предметини юқоридагича унинг назарий йўналишларидан келиб чиқиб белгилаш имконини беради.

Табиийки, китобхон ва унинг маданий-бадиий даражаси факат жамият фикрини ифодалабгина қолмай, адабий жараён сифатини ҳам белгиловчи омиллардан саналади. М.Бахтин санъатнинг *диалогик характери* хусусида ёзаркан, китобхонга адабий жараён иштирокчиси сифатида қарайди, унинг айрим ҳолларда “ҳаммуаллиф” эканлиги адабиётшуносликда айрим

герменевтик хусусиятлар давомийлиги сифатида кенг қабул қилиниши лозимлигини уқтиради. М.Бахтиннинг ёзишича, “*бадиий асар тизими (структураси)га тингловчи (ўқувчи, кузатувчи) ҳам қўшилади... гўё муаллиф билан бундай ўқувчи ўртасида ҳеч қандай ўзаро ҳаракат, фаол драматик муносабатлар бўлиши мумкин эмасдай (кўринса ҳам), бу овозлар эмас, балки ўзаро тенг ҳуқуқли зарур тушиунчалардир*”.<sup>13</sup>

Адабиётшунос ёки назариётчи олим ҳам адабий жараёнда дастлаб китобхон-реципиент сифатида қатнашади, сўнгра касбий маҳоратига қараб, профессионал китобхон, ташвиқотчи, талқинчи, танқидчи ва таҳлилчи адабиётшунос бўлиб етишиши мумкин.

**Матн филологик фанлар тизимида.** Филологиянинг йўналишлари орасида дастлаб *тилишуносликда* фаол истеъмолда бўлган “матн тилшунос учун муайян хусусиятлар мажмуига эга бўлган, табиий (миллий) тилни кўллаш актидир”.<sup>14</sup> Лингвистик таълимотда матннинг мантикий алоқадориги ва шаклий тугалланганлиги асосий хусусият саналади. Шунинг учун ҳам унга “маъно алоқадорлиги асосида бирлашган вербал (сўз) белги бирликларининг тизими, унинг асосий хусусияти боғлиқлик ва яхлитликдир” деб таъриф берадилар<sup>15</sup>.

*Матн тилишунослиги* деб номланувчи тил илми матнни шакллантирилган нутқ сифатида қабул қилиб, унинг маъновий ва шаклий қурилишига аҳамият қаратади. С.Валернинг ёзишича, матн лингвистик намуна сифатида уч маъновий жиҳатни қамрайди:

- 1) чизиқли (синтактик маъно) → нима ҳақда (хабар);
- 2) референцион (семантический маъно) → нима билан (алоқа воситаси);
- 3) утилитар (прагматик маъно) → нимани (тавсия этилаётган оеаллик, мавзу бўлиши мумкин) гапиради.

---

<sup>13</sup> Бахтин М.М. К методологии гуманитарных наук / Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. М., 1986. С. 388.

<sup>14</sup> Хализев В.Е. Теория литературы. Изд. 4. М.: Высшая школа, 2005. С.254.

<sup>15</sup> Большой энциклопедический словарь: Языкознание / Под ред. В.Н.Ярцевой. М.: БРЭ (Большая Российская энциклопедия), 1998. С. 507.

Шу жиҳатдан матн воситасида уч саволга жавоб олинади: 1) матн нима ҳақда гапиради (матн мазмунидаги хабар); 2) матн нима билан гапиради – тил (алоқа воситаси); 3) нимани гапиради (тавсия этаётган реаллик концепцияси)<sup>16</sup>. Тилшунос матндағи фикрлаш тарзи, мантиқдаги «силлологизм»дан күра унга грамматик күринишдаги гаплар, конструкцияланган лексик ва стилистик бирликлар жиҳатидан қарайди. Соғ лисоний муносабат – бу белгининг белгига ва тил тизими доирасидаги белгиларга ёки матнга муносабатидир.

Матннинг оғзаки ва ёзма турларидан қатыи назар адабиётшунос учун дастлаб бадиий ва нобадиий матн фарқланиши зарур. Бадиий матнда образ (тимсол) асосий фаолият воситаси ва ҳаракат қуроли ҳисобланади, нобадиий матнда эса концепт – тушунча, масала, муаммо ва бошқа жиҳатлар бу вазифани бажариши мумкин. Ҳар қандай вербал (сўз ёрдамида ҳосил қилинган) матн ўзининг

- А) *коммуникатив* – хабар бериш,
- Б) *эвристик* – маълумот тўплаш,
- В) *концептуал* - матн юборувчининг нуқтаи назари;
- Г) *эмоционал* - ҳис кўчириш белгиларига эга.

Бадиий матн эса булардан ташқари *эстетик*, *ижтимоий*, *ахлоқий* вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади. Бадиий матнда нутқ бирликлари хабар бериш, маълумот (ахборот) тарқатиш, фикр қўзғотиш билан чекланмайди, балки унинг зиммасига бадиий «юк» ортилиши ва эстетик вазифани бажаришга сафарбар этилиши лозим. Сўзлар асосида шакллантирилган матнда сўзниң ўрни қатъий, маъноли ва ифодавий бўлмоғи лозим. Адабиётшунос учун матннинг ифодавийлиги, яъни санъат асари сифатида муайян фикр ва туйғуларни ифодаловчи восита, ўз ўрнида тадқиқот обьекти бўлиши мумкин<sup>17</sup>.

<sup>16</sup> Valérie Susana et Corroyer Grégory. Philosophie du langage de la communication. Ed.: Université Paris, 2001 pour la Revue Formules.

<sup>17</sup> Шулардан келиб чиқиб, бадиий матннинг хусусиятлари ва уни ўрганувчи фаннинг вазифалари белгиланади: Бу ҳақда қаранг. *Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси*. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2015. Б.

Бадиий матн уни ўраб турган нутқ фаолияти ва нутқдан ташқаридаги жараёндан чегараланган. Матннинг муайян мазмундорлик (маъно қатори)нинг нутқда (оғзаки ва ёзма) ифодаланиши адабиётшунос (фольклоршунос) учун муҳим саналади. “Хозирги олимлар, адабий-бадиий матн (нутқдан ташқари) «макон»и таркибига ёзувчи томонидан ифода қилинган ғоя, концепция, маъно ва бошқа бадиий мазмун жиҳатларини ҳам киритадилар”. Бу жиҳатдан «матн» ва «асар» сўзлари синоним бўлиши, бадиий матн эса бадиий асарга tenglashтирилиши мумкин. Матн ва асарнинг умумий жиҳати шундаки, ҳар иккиси ҳам муаллиф фикр ва туйғуларини тилда моддийлаштириб, муҳрлаб кўрсатади. “Асар матннинг муроҷот тизимиға киравчи социал вазифадорлиги, муаллиф – китобхон икки томонлама муроҷотининг натижасидир. Шунинг учун ҳам бадиий асар таҳлили кўп томонлама ёндошув (социологик, биографик, ижодий-генетик)ни талаб қиласи”<sup>18</sup>. Ю.Лотманнинг ёзишича, «матн ва бадиий асарнинг компонентларидан бири холос». Бу ҳолда бадиий асар матнга нисбатан кенгроқ тушунча эканини қатъий рад этиш лозим. Матн бадиий асарда эстетик мақсад матн орқали амалга оширилади. Шунингдек, адабиётшунослик илмида матн ҳақида нутқ бирликларининг қатъий ташкилланган изчиллиги деган қараш ҳам борки, бадиий асар таҳлилида мана шу жиҳатга кўпроқ эътибор қаратилади.

### **3. Филология илмида тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика → структурал поэтика → семиотика**

Филология фанларида тизимли таҳлил моделини аниқлаш зарурати *Бор, моделни аниқлаш тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга ёрдам беради.*

Филологик тадқиқотларда бадиий матннинг тизимли модели  
*Лингвопоэтика → структурал таҳлил → семиотик таҳлил* тарзида шакллантирилиши керак.

---

<sup>18</sup> Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.140.

*Лингвопоэтиканинг тизимли таҳлилдаги ўрни: Лингвопоэтика бадий матнни тил сатҳлари бўйича ва бадий жиҳатларини таҳлил этишини зиммасига олиб, тизимли таҳлилнинг кейинги босқичларига асос яратади.*

*Структурал поэтикада матн маданият феномени сифатида масъул нутқий ҳаракат бўлиб, у вужудга келган макон ва замондан ташқарида «ишлашга» мослаштирилган, чунки у муаллифи томонидан жиддий қайта ишланади ва охор берилади.*

*Матнни семиотик* аспектда ўрганиш нафақат бу соҳа мутахассислари, балки филологлар учун ҳам аскотарли усулдир. Бу жиҳат ёрдамида муаллифлик табиатига доир хусусиятлар аникланади, адабиётнинг инсонлараро қиёсий мулоқот воситаси экани чукурроқ асосланади.

Бу жиҳатдан ус асосий муносабатлар тизими белгиланади:

Белгининг белгига муносабати:  $B \rightarrow B$  = Лингвопоэтикада.

Белгининг матнга муносабати:  $B \rightarrow M$  = структурал ёндашувда.

Белгининг адресатга муносабати:  $B \rightarrow A$  = семиотикада.

Назарий манбаларда *матн трансформацияси* деб номланадиган ҳодиса мумтоз адабиёт шакллангунга қадар бўлган даврда ҳам, мумтоз адабиёт ва бугунги адабий жараёнда ҳам фаол кузатилади. Трансформация (ўзгартириш) истилохи физика орқали қабул қилинган бўлиб, у доимий кучланишли электр токини муваққатга (ёки аксинча) ўзгартирилиши учун қўлланилган<sup>19</sup>.

*Матн трансформацияси* бир мавзуу доирасидаги матнларни жанр ва сюжетига кўра ўзгаришидир. Бу поэтик ҳодисага айrim адабиётшунослар (А.Н.Веселовский) сюжет поэтикаси нуқтаи назаридан, айримлари (В.Б.Шкловский) янги жанрларнинг вужудга келиш омили деб қарашган. Одатда муаллиф матни аноним матнга нисбатан ўзгаришсиз деб олинади, бироқ бу матн таркибида бошқа матнга хос, лекин ўзгариш билан қабул этилган эпизод, фрагментларни кузатамиз. И.В.Стеблева қадимги тошбитиклар поэтикасини ўрганаар экан, матн композицияси ва ритмик структура-

---

<sup>19</sup> Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.705.

сидаги ўзгаришлар асосида Ўрхун-Энасой обидаларининг бадииятидаги поэтик тажрибанинг бир матндан иккинчисига ўтиши натижасида мумтоз адабиётнинг илк куртаклари шаклланган давр (VII-X асрлар)ни аниқлаган<sup>20</sup>.

Матн трансформациясини В.Е.Хализев образли қилиб, «адабиёт ичидағи адабиёт» деб тушунтиради ва матн трансформациясига олиб келадиган омиллар стилизация, пародия, баён шакли, реминисценция ҳодисаларини таҳлил этади<sup>21</sup>. Стилизация муаллиф нутқига кирмаган («бегона нутқ», М.Бахтин) персонажлар нутқининг тасвирдаги замон ва маконга кўра ўзгартирилиб, ўша муҳитга мос этиб шакллантирилишидир. Бу жараёнда нутқ шакли ўзгаришсиз ҳисобланса-да, унинг услуби, манераси, ифода йўсини тасвирдаги муҳитга мослаштириб берилади. Бу усул, кўпинча, тарихий асарларда қўл келади.

1) Анъанавий: Ойбекнинг «Навоий», О.Ёкубовнинг «Улуғбек хазинаси», П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романларида муаллифлар стилизация усули орқали матн трансформациясига йўл берганлар.

2) Тушунилиши қийин бўлган матнларнинг идрок этилишини осонлаштириш мақсади билан ҳам стилизацияга мурожаат қиласилар. Мас., Шекспир «Ҳамлет»ининг айrim саҳна талқинларида Дания шаҳзодаси ўз даври «тили»да эмас, балки бугунги замонавий тил, ҳатто кўриниш (костюм)да ҳам томошабинлар қархисида намоён бўлиши мумкин.

3) Матн трансформациясига пародия воситасида мурожаат Сервантеснинг «Дон Кихот» асарида шундай юксак шаклда эришиладики, натижада замонавий китобхон ушбу асар матни илк Европа уй-ониш даври рицарлик романларига пародия сифатида ёзилганини унутиб, унинг воқеаларини аслида бўлиши мумкиндай қиласилар.

Матнда муаллиф ва «бегона» нутқи (муаллифга тегишли бўлмаган – М.Бахтин) фарқланади ва айни замонда, баёнчи-қаҳрамонга муносабатда «икки овозли сўз» пайдо бўлади. Чунки баёнчи ва қаҳрамон (ровий ва

---

<sup>21</sup> Хализев В.Е. Теория литературы. С.261-272.

персонаж) алоҳида-алоҳида субъект саналадики, улар турлича идрок этилади ва ҳис қилинади. Яна шундай асарлар борки, унда «бегона» нутқ стилизацияга учрайди, яъни қаҳрамон нутқи замонга, муҳитга ва унинг касбига мослаштирилади.

Матн таркибида муаллиф сўзи бўлмаган, стилизация ва пародиядан фарқланувчи «бегона» нутқ тури – баён (сказ) мавжуд. Баёнчи нутқи орқали биз унинг «шахси»ни аниқлаб, кўпинча, персонаж ёки муаллифга тегишли деб биламиз. «Баённинг тамойили шундайки, баёнчининг нутқига фақат интонацион-синтактик жиҳатдан эмас, балки лексик (сўз – Ҳ.Б.) маънолар билан ҳам ранг берилиши мумкин»<sup>22</sup>. «Бегона» нутқ хусусиятларидан яна бири шуки, унинг сўzlари *реминисценция*, яъни ёзувчи матнида аввалги адабий ҳодиса ёки фактларга ҳавола тарзида кузатилади. Буни айрим мутахассислар «адабиётнинг адабиётдаги образи» деб айтишади. Реминисценция матнида бир ўринда тўғридан-тўғри кўчирма тарзида (О.Ёкубовнинг «Кўхна дунё» асари – Ҳ.Б.) келиши мумкин ёки у нутқда қайта ишланиб, ишорага айланиши ҳам мумкин.

Замонавий адабиётшуносликда матннинг «ҳудудсизлиги» хусусида ҳамқарашлар тарқалмоқда. Масалан, деконструктивизм (айрим манбаларда постструктурализм)нинг етакчиларидан Ж.Дерриданинг ёзишича: «Мен учун матн ҳудудсиз, чексиз. Бу мутлақ бутунликдир (тотальность). Матндан ташқарида матн йўқ. Бундан англашиладики, матн оддий нутқий мулоқот тури эмас. Масалан, бирор стол – бу матн. Мен учун унинг мавжудлиги ёки лингвистик ҳодиса экани эмас, балки мен уни қандай қабул қиласам, мен учун у шундай матнdir» Сезиладики, бу ўринда матннинг мавжудлиги эмас, унинг инсон томонидан идрок этилиши ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Яна унга муносабатда, мумтоз ва замонавий матнни илғашда шундай чегара тавсия қилинмоқдаки, мумтоз матнлар муаллиф томонидан «айтиб берилади», уларда муаллиф позицияси аниқ кўзга ташланади, аниқ ва мақсадли. Замонавий (постмодерн) «матнларда эса тилнинг ўзи гапиради».

Бу ўринда муаллиф ва персонажлар овозлари ўрнига фақат ёзиш жараёнидагина мавжуд бўлган матн мутолаасида сезилмайдиган скриптор (ёзувчи) овози бор. Бундай қиёфасиз муаллифгина ҳозирги китобхонга завқ берса олиши мумкин.

Структуралистлар матнга нисбатан янги назария ишлаб чиқдилар: матнгача кечган ва ундан кейин бўладиган жараёнлардан матнни қатъий ажратиб, унга мутлақ автоном қиёфа бердилар. Белги, структура (таркиб), функция (вазифа) каби тушунчалар орқали матн таҳлилига киришдилар.

*4. Илмий-назарий масалаларнинг тизимили таҳлил амалиётидаги ечими* конкрет метод ёки методологик ёндашув натижасида эришилган хулоса ва қарор билан белгиланади. Масалан, М.Бахтиннинг узоқ йиллар давомида матн таҳлили бўйича кузатишлари олимнинг «*Тилишунослик, филология ва бошқа гуманитар фанларда матн муаммоси*» тадқиқотида ўз ечимини топган.

Гарчи бу мақола тугал тадқиқот ҳисобланса-да, матн билан иш қўрадиган гуманитар фанлар учун асосий йўналиш беради. Муаллиф ёзишича, матн филология фанларида дастлабки берилганлик (первычна данность) сифатида қабул қилинади. «Матн шундай борлиқ (фикр ва туйғулар борлиғи)дирки, ундан барча гуманитар фанлар озиқланадилар. Қаердаки матн бўлмаса, у ерда тафаккур ва тадқиқ этилувчи объект ҳам бўлмайди»<sup>23</sup>. Аввал матннинг бирламчи эканига ишонч бўлиши керак, сўнгра унинг талқинига ўрин берилади. Шунинг учун ҳам тадқиқот мақсади қандай бўлишидан қатъи назар, бошланғич манзил (исходной пункт) матнdir.

Тилшунослик ҳам матн билан иш қўради, лекин яхлит бадиий асар билан эмас. Яъни у асар ҳақида нимани гапирса, унинг матнiga тегишлидир. Соғ лисоний муносабат – бу белгининг белгига ва тил тизими доирасидаги белгиларга ёки матнга муносабатидир. Ифоданинг реал борлиқка ва бошқа реал ифодаларга муносабати ўша ифоданинг ҳақиқий, ёлғон ҳамда гўзал ва бошқалар эканини билдирадиган муносабат бўлиб, ҳеч қачон тилшунослик

предмети бўла олмайди. Чунки тил бирликлари орасида тил тизимининг қайси даражасини олмайлик диалогик муносабат бўлиши мумкин эмас (фонема, морфема, лексема, гаплар ва бошқалар).

Ифодавийлик – бадиий матнни нутқий бутунлик сифатида сўнгги, юқори босқичидаги тил тизимининг асоси сифатида қабул этилмаслиги мумкин – у бутунлай бошқа даражадаги муносабатлар тизимиға киради. Матндаги *ифодавийлик* – бу энди тил тизими эмас, аммо маъно (қадриятга, ҳақиқат ва гўзалликка бўлган баҳони ўз ичига олган) яхлит моҳиятга эга бўлган нутқий мулоқот бирлигидир.

Матн таҳлилига олиб структран ёндашув натижасида олиб борадиган жиҳатлар таҳлилнинг барча формал жиҳатларига амал қилиниш билан бирга унинг замиридаги тагмаънони ва маънолар майдонидаги ўрнини белгилаш билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Лингвопоэтикада *подтекст* инобатга олинади, лекин структурал таҳлилгина контекстни юзага чиқаради. Семиотик таҳлил эса бу икки тушунча билан кифояланмай *интертекстуалликни* ҳам талаб қиласди.

*Подтекст* – (калкалаш орқали рус тилига олинган – инглизча: subtext; ўзбекча: матности) – жиддий ва чуқур адабий асарларда ички «сувости оқими» бўлиб, асарнинг асосий концепциясини ташийди<sup>24</sup>. Э.Хемингуэй бадиий асарда “айсберг” гоясини илгари сурган. Унингча, асар маънонинг ўндан бир қисмини олиб кўрсатади, ўндан тўққизи эса матностида қолади. Матности нутқ бирликларида кузатган В.В.Виноградов бу ҳолатда «сўзнинг тўғри лексик маъноси ўз моҳиятини йўқотади ва нутқнинг ички мазмунини белгилайди» деб ёзади<sup>25</sup>. Ж.Куддон пьесанинг матности хусусияти ҳақида гапириб, айрим персонажлар ўзлари қатнашаётган уруш моҳиятини англамасликлари мумкин. Матности яширин ситуацияларда, сюжет оғушида кўринади. Бу истилоҳ XX аср сўнгида “яширин дастур”га алмашинганини ёзади.

<sup>24</sup> Борев Ю.Б. Энциклопедический словарь эстетики и теории литературы. М., 2008. Электронная версия. П-42.

*Контекст* (лотинча: *contexstus* – боғланиш, занжир) – матннинг маъно майдони бўлиб, унда бадий матндаги ҳар бир ички қурилма маъно томонидан бошқарилади, асар талқинида мана шу майдондаги маъно назарда тутилади. Ҳ.Бенак бу истилоҳни маъно бирлиги сифатида қабул қилган ва ички алоқадорлик туфайли матннинг айрим қисмларининг ажратилиб кўрсатилишини назарда тутган. Бу маъно майдони бир жумла таркибида, бир хатбоши (абзац) ёки шеърдаги бир банд (строфа) орасида ёки умуман, бутун матннинг ичидаги бўлиши мумкин. Матн майдонининг бузилиши матннинг бадий бутунлигига ўз таъсирини ўтказади ва бадий образ орқали ифода этилаётган муаллиф фикрини нотўғри тушунишга олиб келади. Бу гўёки мумтоз адабиётдаги «иҳом» санъатини эслатади, муаллиф сўзнинг ёки жумланинг матндаги зоҳирий маъносини эмас, аксарият ҳолда ботиний маъносини назарда тутади. Бу ҳолат ҳар қандай матнда, хусусан, шеърий нутқ асосига қурилган асарларда ва тасаввуфий талқиндаги рамз ва ишораларга бой матнларда учрайди.

*Интертекстуаллик* (французча: *intertextuality*; сўзма-сўз маъноси: матнларораси) – бадий матннинг ички алоқадорлиги бўлиб, у ташки ҳаёт воқеаларига эмас, балки матннинг ўзига ва бошқа матнларга муносабатидир. Интертекстуаллик ҳодисаси структурализм (Р.Барт) ва унинг асосидаги постструктурализм истилоҳи сифатида майдонга чиқкан. Ю.Кристеванинг ёзишича, ҳар қандай матн кўчирмалар (кенг маънодаги) мозаикасини эслатади ва қандайдир бошқа бир матннинг трансформацияси каби хотирада сақланади. Шунинг учун (М.Бахтиндаги – Ҳ.Б.) интерсубъективлик ўрнига *интертекстуаллик* тушунчасини киритиш лозим. Чунки “адабий сўз” – матн майдонларининг туташув жойи, турли хил ёзувлар диалогидир”.

Сўнгги икки асар бўсағасида энг кўп мунозаралар объектига айланган ҳодиса *интертекстуалликни* «аноним формулаларда умумий майдонда» учрайдиган матн таркибида келган аввалги асарларнинг маълум қисми (аъзоси), улар “қўштироқсиз келтирилган, онгсиз ёки

автоматик тарзда ишлатилган матн» аъзолариdir, каби тушунтириш кенгайган.<sup>26</sup> Интертекстуалликнинг бундай маъно жиҳатдан кенгайишини асослаган Ж.Куддон “у матнлар орасидаги (адаптация, таржима, тақлид, аллюзия, плагиат, пародия) турли хил қўплаб алоқалар” деб тушунтиради ва структурализм бўйича, матн – бу тизим, бунда тил реалликка эмас, балки ўша матн ичига ва унинг образларига муносабатdir” деган фикрни ёқлайди<sup>27</sup>.

### ***Топшириқлар:***

1. Филологик тадқиқотларда тизимлиликни юзага чиқарувчи омилларни аниқланг ва улар билан иш кўриш натижасида филологик тизимлиликни аниқланг.
2. Структура тизим муносабатини ўрганинг. Таҳлил жараёнининг тизимли характерини англатувчи мисоллар беринг.
3. Филология илмида вербал матнга нисбатан тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика → структурал поэтика → семиотикани белгиланг ва уларни ташкил этган компонентларни таҳлил қилинг.
4. Илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги ечимини англатадиган хулосавий тушунтириш беринг.

### ***Адабиётлар:***

1. *Valérie Susana et Corroyer Grégory. Philosophie du langage de la communication.* Ed.: Université Paris, 2001 pour la Revue Formules.
2. *Болтабоев Ҳ.* Адабиёт энциклопедияси. Т.: МУМТОЗ SO‘Z, 2015.
3. *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011.
4. *Нурмонов А.* Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. Андижон, 2006.
5. Холбеков М. Структур адабиётшунослик. Т., 2014.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1–мавзу. Тизимли таҳлилнинг терминологик асослари ва йўналишлари**

1. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси
2. Тизимли таҳлилнинг шакланиш ва ривожланиш босқичлари.
3. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш.
4. Бадиий матнга тизимли ёндашув. Таҳлил жараёнларининг кетма-кетлиги ва яхлитлиги.

**Ишдан мақсад:** Тизимли таҳлилнинг терминологик асосларини топиш. Таҳлил жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган фаол терминлар жалвалини тузиш ва уларни изоҳлаш. Тизимли таҳлилнинг ривожлвниш босқичларини мавжуд назарий адабиётлар бўйича аниқлаш. Аналитик тадқиқотлар тизимида ТТ ни таҳлил этиш имкониятларини белгилаш ва йўналишларини аниқлаш. Бадиий матнга тизимга ёндашувда матн турлари, хоссалари ва трансформациясини таҳлилга тортиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи тавсия этилган режа асосида илмий адабиётлар билан танишади, термин ва истилоҳлар моҳиятини луғат ва энциклопедиялардан конспект олади ва тизимли таҳлилга бадиий матннинг структурал таҳлили ёрдамида киришади.

**Ишни бажариш учун намуна.** Мазкур мавзунинг намунаси мажмуанинг “Глоссарий” қисми берилган. Уни ўрганинг ва шу тартиб асосида унда акс этмаган терминлар жадвалини тузинг.

### **2–мавзу. Адабиётшунослик (Тилшунослик)ка доир тадқиқотларда тизимли таҳлил тамойиллари**

*Режса:*

1. Адабиётшунослик (Тилшунослик) тизими ва бадиий матн тузилмаси.
2. Тизимли таҳлилда услугуб ва тизимлилик.
3. Тизимли таҳлилда миқдорийлик ва сифат. Уларнинг нисбати ва бирлиги.

4. Матнга индивидуал ёндошувда тизимлилик. Талабаларда ижодий ва тизимли ёндошувни шакллантириш

**Ишдан мақсад:** Адабиётшунослик (Тилшунослик) тизими аниқлаш ва унинг таркибиға кирган фан соҳалари ва сатҳларини белгилаш. Бадиий матн тузилмаси яратиш. Тизимли таҳлилда услугуб ва тизимлилик, миқдорийлик ва сифат даражаларини аниқлаш. Матнга индивидуал ёндашувни шакллантириш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Баён қилинган назарий машғулотларнинг маъруза матнлари асосида Филолигик таълимнинг тизимли таҳлил тамойилларини аниқловш. Тавсия этилган режалар бўйича ишлаш ва конспектлаштириш.

## **V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalar қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари ва мустақил таҳлил учун топшириқлар**

1. Мавжуд луғат, энциклопедия ва википедия (интернет тизимида)лар асосида матнда тилга олинган истилоҳ ва атамаларни талқини ўрганинг.
2. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатларини аниқланг.
3. Аниқланмаганлик шароитида мубоқил қарор қабул қилишнинг қўшимча услубларини қўллашга ёрдам берадиган усулларини топинг ва уни таҳлил жараёнига киритинг.
4. Тадқиқот обьектини яхлит тушунишга ҳаракат қилинг ва тушунганлар асосида ўз соҳангизда тизимли таҳлилни ташкил этиш мумкинлигини таъминланг.
5. Филологик тадқиқотларда тизимлиликни юзага чиқарувчи омилларни аниқланг ва улар билан иш кўриш натижасида филологик тизимлиликни аниқланг.

6. Структура тизим муносабатини ўрганинг. Таҳлил жараёнининг тизимли характерини англатувчи мисоллар беринг.
7. Филология илмида вербал матнга нисбатан тизимли таҳлил модели: *лингвопоэтика* → *структурал поэтика* → *семиотикани белгиланг* ва уларни ташкил этган компонентларни таҳлил қилинг.
8. Илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги очимини англатадиган хулосавий тушунтириш беринг.
9. Структурал таҳлилга тизимли ёндошув.
10. Ролан Барт ва М.Лотман назариялари.
11. Структур тилишунослик асослари. Ф. де Соссюр.
12. Адабиётшуносликда структурал метод имкониятлари.

## **VI. ГЛОССАРИЙ**

Тизим, тизимли таҳлил, тизимли ёндашув, социал тизим, илмий тадқиқот, муқобил қарор, тадқиқот объекти, яхлит тушуниш, элемент, компонент, декомпозиция, робастлик, эмержентлик, мавхумийлик, аниқлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, формал ва аник (табиий), композиция ва декомпозиция, чизиқлилик ночизиқлилик, структив ва деструктив), моделлаштириш, экспериментал, дастурий бошқарув, доимий аниқлаш ва идентификация, кластер ва таснифлаш, тажрибавий баҳолаш ва тестлаш, филологик тадқиқот, тизимлилик, структура, тизим, таҳлил жараёни, таҳлил модели, лингвопоэтика, структурал поэтика, семиотика, формал-структурал ёндашув, янги танқид, нарратология, рецептив эстетика, асарни идрок этиш, тарихий-функционал, реминисценция, интертекстуал, матн, ижодкор, адресат, адабий жараён, чизиқли (синтактик маъно), референцион (семантический маъно), утилитар (прагматик маъно), коммуникатив, эвристик, концептуал, эмоционал, матн трансформацияси, матн таркиби, подтекст, контекст, интертекстуаллик, терминлар идентификацияси, аналитик тадқиқотлар, бадиий матн.

## **VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти. Самарқанд, 2014 йил 15-16 май // Халқ сўзи. 2014. 16 май.

### **II. Меъёрий- хуқуқий ҳужжатлар**

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т., 2014.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон, 225-модда.
7. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битиравчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

### **III. Махсус адабиётлар**

14. The Art of Systems Thinking: Essential Skills for Creativity and Problem Solving // «Альпина Паблишер». М., 2011. № 978-5-9614-1589-6. [О'Коннор Джозеф, Макдермотт Иан. Искусство системного мышления: Необходимые знания о системах и творческом подходе к решению проблем]

15. Воскобойников А. Э. Системные исследования: базовые понятия, принципы и методология // «Знание. Понимание. Умение». 2013. № 6.

16. Черногор С. А. Введение в синергологию и сложные системы моделирования. М.: Наука, 2008.

17. Черногор С. А. Синтез креативных подходов в решении практических системологических задач // Философская мысль. М., 2004. № 5.

## **IY. Сайтлар**

1. ru.wikipedia.org
2. books.google.co.uz
3. pedagog.uz
4. ziyonet.uz
5. edu.uz